


# Тараққиёт

1/2024



**ЎЗБЕКИСТОН  
2030**



# Умумбашарий муаммолар, маънавий тараққиёт ва баркамол авлод тарбияси



**Қиём НАЗАРОВ**

фалсафа фанлари  
доктори, профессор

Ҳар томонлама етук авлодни тарбиялаш омиллари орасида иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий жабҳалар билан бирга, умумбашарий омиллар ва миллий қадриятлар, маънавий ҳаёт мезонлари ва бу борадаги фаолият йўналишлари ҳам ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Гарчанд баъзи жойларда ушбу соҳага етарлича эътибор бермаслик ҳолатлари бўлса-да, мазкур омилларнинг аҳамияти ва ёш авлодга катта таъсири борлиги умумжаҳон миқёсида асло рад қилинмайди. Аксинча, халқаро миқёсда қабул қилинган кўплаб ҳужжатларда ушбу соҳага алоҳида эътибор берилмоқда ва бундай ижобий ёндашув мазкур йўналишдаги фаолиятнинг таркибий қисмига айланиб бормоқда.

Умуминсониятга хос бўлган ушбу замонавий зарурат ва объектив жараён, барча мамлакатлар қатори, Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёти ва истиқболини белгилайдиган замонавий ёшлар авлодини шакллантиришга доир фаолият дастурларини амалга оширишга катта таъсир кўрсатмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ушбу масаланинг нақадар катта аҳамиятга эга эканини назарда тутиб, қуйидагиларни алоҳида таъкидлаган: “Бизнинг мамлакатимиз учун ҳам бундай глобал масалалар ва уларнинг ечимларига доир муҳим



**Одамзод насли ҳозирги даврда шундай глобал муаммолар домига тортилдими, эндиликда уларнинг исканжасидан қутулиб кетиш ёки кетмаслик бугунги куннинг энг долзарб масаласига айланди. Агар XX асрнинг биринчи ярми охирларида инсоният қаршисида асосан битта умумбашарий муаммо — ядро ҳалокатининг олдини олиш кўндаланг бўлиб турган бўлса, энди бу борада вазият тубдан ўзгарди.**

вазмифаларни адо этиш зарурати мавжуд, албатта. Бу борада нафақат глобал даража, балки миллий муҳитда, яъни мамлакатимиз ҳудудида ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳам талайгина. Қамрови жиҳатидан глобал, аммо мамлакатимиз ҳаёти ва тараққиёти учун муҳим бўлган бундай муаммоларни ҳал қилишда куч ва имкониятларни бирлаштириш, умумий ва хусусий манфатларни уйғунлаштириш лозим”.

Кейинги йилларда мамлакатимизда жамият тараққиётининг бошқа соҳалари қатори халқимизнинг азалий қадриятлари, серқирра маданияти ҳамда миллий маънавиятини тиклаш ва ривожлантириш масалалари давлат сиёсатининг энг муҳим, устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу борада умумбашарий муаммоларни ҳал қилишнинг миллий жиҳатлари ва жамиятимизнинг маънавий тараққиётини белгилайдиган туб ислохотлар ва янгиланишларни амалга оширишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йилда чоп этилган “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” асари, Ҳаракатлар стратегияси ҳамда унинг мантикий давоми бўлган “Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон

Республикаси Президентининг Фармони ҳамда яқинда қабул қилинган “Янги Ўзбекистон – 2030” стратегияси жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида янгиланишлар жараёнини янада жадаллаштирди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳозирги янги босқичида ёшлар тарбиясининг маънавий омилларига таъсир кўрсатиш диалектикасидаги ўрни ва аҳамияти ортиб бормоқда. Айни пайтда, ушбу жараённинг жамиятда умумбашарий муаммолар ечими ва маънавий тараққиёт тамойилларида акс этиши, унинг ҳар бир йўналиши ва турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларнинг кадр-қимматини ва амалий натижаларини изчил ўрганиш, бу билан боғлиқ масалаларни фалсафий фанлар нуқтаи назаридан таҳлил қилиш вазифалари ҳам ниҳоятда долзарб мазмун касб этмоқда.

Одамзод насли ҳозирги даврда шундай глобал муаммолар домига тортилдими, эндиликда уларнинг исканжасидан қутулиб кетиш ёки кетмаслик бугунги куннинг энг долзарб масаласига айланди. Агар XX асрнинг биринчи ярми охирларида инсоният қаршисида асосан битта умумбашарий муаммо — ядро ҳалокатининг олдини олиш кўндаланг бўлиб турган бўлса, энди бу борада

вазият тубдан ўзгарди. Аҳоли табиий ўсишининг юқори даражаси сақланиб қолиши, фан-техника ютуқларидан тор манфаатлар йўлида фойдаланишга ружу қилиниши ва бир қатор минтақаларда мураккаб экологик вазиятнинг вужудга келиши масалани чигаллаштириб юборди. Оқибатда инсониятнинг келажаги тўғрисида турли башоратлар келиб чикди. Ана шундай шароитда ҳар бир ақл-заковатли одам "Бундай йўлда қандай муаммолар, қийинчиликлар, синовларга дуч келишимиз мумкинлигини етарли даражада аниқ тасавур қиляпмиз", деган саволни ўз олдига кўндаланг қўйиши ва унга жавоб топиши зарур бўлиб қолди. Бу саволни бутун жаҳон халқларининг иштирокисиз ҳал этиб бўлмайди.

Табиатга кишиларнинг зуғуми кучая борган сари табиий мувозанатнинг бузилиши оқибатида кишиларнинг яшаш тарзи, соғлиғи, ижтимоий муҳитга бўлган акс таъсири тобора ҳалокатли тус ола бошлади. Инсоният бундай таҳликали ҳолатдан фақатгина ҳар қандай сиёсий, минтақавий, ирқий, миллий, диний ва бошқа манфаатларини кейинга суриб, муштарак умуминсоний манфаатлар теварагида жипслашиш, зудлик билан таъсирли чоралар қўллаш орқалигина қутулиши мумкин. Шу маънода бутун дунё ягона ва ўзаро

боғлиқдир. Бизнинг муштарак бурчимиз ер юзини болаларимиз ва набираларимизга обод ва бахтиёр яшашлари учун муносиб қилиб қолдириш эканлиги шубҳасиз.

Ҳозирги пайтда инсониятга хавф солиб турган умумбашарий муаммолар деганда бутун дунё, барча давлатлар ва халқларнинг иштирокисиз ечиш мумкин бўлмаган муаммолар тушунилади. Бундай муаммолар қуйидагилардир:

— термоядро уруши хавфининг олдини олиш ва қуролланишни бартараф этиш;

— экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга мажбур этаётган таҳдидлар ва хавф-хатарлар;

— жаҳон иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётнинг ўсиши учун қулай шарт-шароит яратиш;

— иқтисодий қолоқликни тугатиш;

— ер юзида қашшоқлик ва очликка, камбағалликка барҳам бериш;

— табиий бойликлардан оқилона ва комплекс ёндашган ҳолда фойдаланиш;

— инсониятнинг бахт-саодати йўлида фан-техника ютуқларидан фойдаланиш учун халқаро ҳамкорликни янада фаоллаштириш (энг хавfli касалликларга қарши кураш, коинотни ўзлаштириш);

— дунё океан бойликлари ва имкониятларидан унумлироқ фойдаланиш; озон қатлами йўқолиши

хавфининг олдини олиш ва ҳ.к.;

— инсоният ва унинг келажаги тўғрисидаги ўзаро ҳамкорликда жиддий тадқиқотлар олиб бориш;

— киши организмнинг тобора тез суръатлар билан ўзгараётган сунъий ва табиий муҳитга мослашишини оптималлаштириш;

Инсоният олдида ана шу хилдаги муаммоларнинг кўндаланг туриб қолишининг ўзиёқ кишилик цивилизацияси ўта мурак



каб, ўта қалтис бир жараённи бошидан кечираётганлигидан дарак беради. Умумбашарий муаммоларнинг баъзи бир гуруҳлари мавжудки, уларни ҳал қилишнинг ўзидаёқ бутун сайёрамиздаги ижтимоий ҳаётнинг кейинги минг йилликдаги аниқ манзарасини чизиб бериш учун ҳал қилувчи аҳамият касб этиши мумкин. Бундай муаммолар шартли равишда уч гуруҳга ажратилади:

*Биринчидан*, ҳозирги

пайтдаги мавжуд ижтимоий кучлар ўртасидаги зиддиятли муносабатлар (ижтимоий-иқтисодий системалар ўртасидаги, минтақавий зиддиятлар, давлатлар, миллий ва диний низолар ва ҳ.к.) бўлиб, булар шартли равишда «интерсоциал» муаммолар деб ҳисобланади. Улар уруш ва тинчлик, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси ва шу кабиларни ҳам қамраб олади.

*Иккинчидан*, «инсон

ва жамият» ўртасидаги муносабат билан боғлиқ муаммолар бўлиб, буларга илмий-техника тараққиёти (ИТТ); маориф ва маданият; аҳоли кўпайишининг тез суръатлар билан илдам кетиши — «демографик портлаш», кишилар саломатлигини сақлаш, киши организмнинг ниҳоятда тез ўзгариб бораётган ижтимоий муҳитга мослашиши, шунингдек, инсониятнинг келажаги каби масалаларни киритиш мумкин.



Учинчидан, «инсон — табиат» муносабатларига эса хомашё ресурсларини тежаш, аҳолини озиқ-овқат ва ичимлик суви билан таъминлаш, табиатни муҳофаза қилиш каби муаммолар киради. Бу гуруҳ муаммолар ижтимоий омиллар таъсирида вужудга келади, уларни ҳал қилишда эса ижтимоий омилларнинг ўрнини ва аҳамиятини тўғри англаган ҳолдагина масаланинг туб моҳиятини тушуниш мумкин.

Шунингдек, соф ижтимоий умумбашарий муаммоларнинг ечимида табиий омилларнинг бу жараёнга бевосита улашиб кетишини ҳам назардан соқит қилмаслик керак. Ҳам ижтимоий, ҳам табиий омиллар асосида юзага чиқадиган умумбашарий (глобал) муаммолар бир бутунликни ташкил этиб, уларга ҳар томонлама (комплекс) ёндашиш кераклигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, фалсафа фани зиммасига катта масъулият юклайди.

Инсониятнинг келажаги тўғрисида тарихда турли-туман башоратлар мавжуд, улар бир неча хилларга бўлинади. Масалан, халқимизнинг илк тарихий қадриятларидан бўлган муқаддас «Авесто» ёзма ёдгорлиги ҳам умумий бир тарзда инсониятнинг келгуси истиқболини башорат қилиб, кишиларни муштарак мақсадлар то-

мон йўналтиришга ҳаракат қилган. Бундай башоратлар диний мазмунга асосланган бўлиб, ўз даври учун катта аҳамият касб этган эди. «Авесто»да Зардушт ўлимидан сўнг 3000 йил ўтгандан кейин эркин фаровонлик замони келади, Ахура Мазда қудрати Ахриман ёвузлиги устидан тўлиқ ғалаба қозонади, дея ишонч билдирилган эди.

Иккинчи хил башоратлар ўрта асрларда кенг тарқалган, ҳозирда ҳам Ғарб мамлакатларида шуҳрат қозонаётган бир қатор Ғарб футурологияси мазмунига эга. Ғарб футурологиясининг машҳур намояндalarидан Фон Карман, Е.Шервин, Г.Кан ва бошқалар инсониятнинг келгуси истиқболини, асосан, ядро ҳалокати ёки бошқа бир умумбашарий муаммолар билан боғлаб пессимистик манзараларни чизиб кўрсатишга уринади.

Кишилик жамиятининг келгуси истиқболи тўғрисида жиддий илмий башоратлар орасида 1968 йилда А. Печчеи томонидан асос солинган «Рим клуби» аъзолари бўлган Ж. Форрестер, Д. Медоуз, Я. Тинберган, А.Кинг ва бошқалар тайёрлаган ҳисоботларнинг илмий аҳамияти ниҳоятда катта. Уларда инсониятнинг келгуси истиқболини шубҳа остида қолдираётган умумбашарий муаммолар кўламининг кенгайиб бориши, кишилар томонидан табиатга қилинаётган зуғумнинг мудҳиш оқи-

батлари қандай бўлиши тўғрисида жиддий мулоҳазалар юритилади. «Рим клуби» аъзолари томонидан қилинган башоратлар илмий-фалсафий мазмунга эга бўлиб, унда асосан тажриба синовидан ўтган билимлар ва мантиқ қонунлари ва категорияларига суянган ҳолда инсониятнинг келажаги тўғрисида муҳим илмий хулосалар баён қилинган.

Демак, инсоният тараққиётининг келгуси истиқболини белгилашдаги энг муҳим белгилар сирасига умумбашарий муаммолар табиатини чуқур англаш, бу муаммоларнинг ечими умуминсоний муштарак манфаатлар йўлида ҳамжиҳатликда қилинган саъй-ҳаракатлар эканини алоҳида таъкидлаш лозим. Ана шундай мисоллар анчагина. Масалан, 1955 йил 31 январда Фредерико Жулио Кьюри (у шу пайтда жаҳон илмий ходимлари федерацияси ташкилотининг президенти эди) Нобель мукофоти совриндори Бертран Расселга хат орқали мурожаат қилиб, ядро қуролининг жуда хавфли тус олаётгани, бу фалокатнинг олдини олиш учун фан арбоблари биргаликда ҳаракат қилиши лозимлигини билдиради. Б. Рассел Ф. Кьюри таклифини қўллаб-қувватлаб, мурожаатга имзо чекувчи вакиллар бир хил сиёсий оқим тарафдорлари бўлиб қолмаслиги, бунда жаҳондаги барча кучлар, ҳар бир

халқ, жамият вакиллари иштироки зарурлигини таъкидлайди.

Масалага бундай ёндашиш фалсафий тафаккур тараққиётининг янги босқичини бошлаб берган эди. Бу эса илмий-сиёсий адабиётларда «янгича тафаккур услуби» деб аталган ва жаҳоннинг энг атоқли олимлари А. Эйнштейн, Ф. Жулио Кьюри, М. Борн, Л. Полинг ва бошқалар томонидан имзо қўйилган манифестга асос қилиб олинган эди. Натижада 1955 йил 9 июль куни Б. Рассел томонидан ўтка-

қилишга одатланишимиз керак. Биз ўз-ўзимиздан у ёки бу гуруҳ мамлакатларнинг ҳарбий ғалабасини таъминлаш учун нималар қилиш зарур, деб эмас, балки ядро ҳалокати ва унинг даҳшатли оқибатлари қандай бўлиши мумкинлиги тўғрисида инсониятни огоҳлантириш учун нималар қилдинг, деб сўрашимиз керак», — деган сўзлар бор эди.

«Рассел-Эйнштейн манифести» чоп этилганига 70 йилга яқин вақт ўтди. Бу вақт мобайнида ядро қуролларини ишлаб чиқиш

лиард долларни ташкил этмоқда. Таққослаш учун қуйидаги рақамларга муурожаат қиламиз: Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг безгакка қарши кураш тадбирлари учун бир йилда 28-30 миллион доллар ажратишини, халқаро нуфузли ташкилот ЮНЕСКОнинг бир йиллик бюджети 950-980 миллион доллар миқдорида эканлигини ҳисобга олсак, масала ойдинлашади.

Ҳарбий саноат ўз домига табиатнинг шундай ноёб бойликларини тор-таяптики, бу сарф-харажатлар ўсиш суръатининг тезлигига қараб беихтиёр ўз келажагимиз тўғрисида хомуш хаёллар оғушида қолмасдан илож йўқ. Бу соҳа фақат табиий ресурслар билан чекланиб қолмасдан, балки ўта камёб ақл эгалари, талантли кишиларнинг ақлий фаолиятини ҳам ўз измига солиб, оқибатда, илмий-техника тараққиётининг инсоният манфаатига қаратилган йўналишига асосий тўсиқ бўлиб қолмоқда.



зилган матбуот конференцияда «Рассел-Эйнштейн манифести» номи билан шуҳрат қозонган, бутун Ер юзи аҳолисига, сиёсат ва давлат арбобларига қаратилган машҳур чақирик эълон қилинганди. У ҳозирги пайтда тинчлик ва қуролсизланиш учун курашувчи Пагуош ҳаракатини бошлаб берган эди. Манифестда «Биз янгича фикр

ва синаб кўриш кўлами бир неча баробар кўпайди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги ўтган вақт мобайнида қуролланишга 18-20 триллион доллар маблағ сарфланди. Ҳозирги кунда ҳарбий соҳалар учун ҳар йилига 1,6 триллион доллар миқдорида маблағ ажратилмоқда. Бир кунда қурол-яроққа ажратиладиган маблағ 3,4-3,5 мил-

## ЭНЕРГИЯ ВА ЁҚИЛҒИ РЕСУРСЛАРИДАН Фойдаланиш МУАММОСИ

Давримизнинг яна бир муҳим белгиларидан бири жаҳон иқтисодиётининг суръатини белгилайдиган энергияни истеъмол қилиш кўлами муттасил кенгайиб бораётганлигидир. Агар жаҳон иқтисодиёти ҳозирги суръатда давом

этадиган бўлса, у вақтда саноат ва халқ хўжалигининг энергияга бўлган эҳтиёжи учун яқин йиллар ичида йилига 20 миллиард тонна ёқилғи талаб қилинади. Бу кўрсаткич 2025 йилда 35-40 миллиард, XXI аср охирига бориб 80-85 миллиард тоннани ташкил этиши тахмин этилмоқда.

Вужудга келаётган бу ҳолатдан чиқиб кетишнинг йўли эса битта — у ҳам бўлса, ёқилғининг органик моддалар (нефть, кўмир, газ ва ҳ.к.) дан олинадиган энергия салмоғини камайтириб, ноорганик ёқилғи манбалар (ГЭСлар, АЭС, шамол электростанциялари, Қуёш энергияси, водород, гелий ва ҳ. к.) дан олинадиган энергия миқ-

дорини муттасил ошириб бориш. Қуёш энергияси, ГЭС ва шамол электростанциялари 2025 йилда бу эҳтиёжнинг 60 фоизини қондириши мумкин.

Яқин келажакда ривожланаётган мамлакатларда электр энергияси ишлаб чиқаришни тез суръатлар билан кўпайтириб бориш кўзда тутилмоқда. Бутун жаҳонда ишлаб чиқарилган электр энергиясининг қарийб 34 фоизи ана шу мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Электр энергиясининг шу қадар тез суръатлар билан ишлаб чиқарилаётганлиги ён атрофдаги табиий ва ижтимоий муҳитга таъсир этмасдан иложи йўқ. Масалан, гигант ГЭСларнинг қурилиши, ўз навбатида, ана шу регионнинг иқлим шароитига, ён атрофдаги шаҳар ва қишлоқларда халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларига салбий таъсир ўтказиши (масалан, экин майдонларининг қисқариши, мавжуд майдонларнинг шўрланиши ва ишдан чиқишига олиб келиши) мумкин. Атом электростанцияларининг чиқиндиларини бартараф этишнинг экологик хавфсизлик масалалари ҳозирги даврнинг ечилиши мураккаб муаммоларга айланди.

Инсоният олдида жаҳон иқтисодини ўстириш учун энергияга бўлган эҳтиёжни қондиришдан ўзгача йўқ. Бироқ бугунги кунда электр энергиясини ишлаб чиқариш жараёни-

да мавжуд табиий муҳитга таъсир даражасини камайтирган ҳолда энергияни кўпроқ ишлаб чиқариш масаласи кўндаланг бўлиб турибди. Шунинг учун ҳам бу муаммони ижтимоий тараққиётнинг келажакини белгилаб берадиган энг муҳим омиллардан бири сифатида жаҳоншумул аҳамиятга молик муаммолар сирасига киритилишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

### ХОМАШЁ РЕСУРСЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ ВА ЭКОЛОГИК МУВОЗАНАТНИ САҚЛАШ МУАММОСИ

Жаҳон статистик ахборот марказлари берган маълумотларга қараганда, XX асрнинг бошидан то ҳозирги кунгача ишлаб чиқарилган кўмирнинг 45, темир рудасининг 57, нефтнинг 76, табиий газнинг 80 фоизи кейинги 25 йилга тўғри келар экан. Ана шундай ҳолатни хомашёнинг бошқа турлари тўғрисида ҳам гапириш мумкин.

Ер юзиде вужудга келган бундай ҳолат, бир томондан, инсониятнинг хомашё ресурслари билан таъминлаш имкониятлари ҳосилдор ерлар ва ичимлик суви манбаларининг камайиб бориши, шунингдек, бошқа хомашё захираларининг камайиб кетиши каби бошқа бир қатор муаммоларни келтириб

чиқаради.

Вужудга келган экологик вазият табиий муҳитнинг инсон организмга ва унинг ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир этмасдан қолмайди. Бошқа томондан эса фан-техника тараққиётининг кўлами асосида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасини хомашё ресурслари, фойдали қазилмалар билан етарли миқдорда таъминлаш муаммосини ҳам назардан соқит қилмаслик керак. Мазкур муаммони ижобий ҳал қилиш учун, иқтисодчиларнинг таҳлилларига кўра, жаҳон мамлакатларининг ҳар бири ўзи ишлаб чиқарган ялпи миллий маҳсулотнинг 3-5 фоизи миқдорда маблағ ажратиши зарур, дейилмоқда. Демак, ҳар йили ўрта ҳисоб билан 650-850 миллиард доллар ҳажмида маблағ ажратилиши талаб этилади.

Жуда кўп ривожланган мамлакатларда ичимлик сувининг танқислигидан қийинчиликлар юзага чиқмоқда. Айни шу мамлакатлардан 42-45 % км<sup>3</sup> ҳажмида саноатдан чиққан ифлос оқова сувлар сув ҳавзалари, кўл, денгиз, океан сувини ўзининг захарли таркиби билан булғамокда. XXI аср бошларига келиб, тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёж дунё миқёсида ўтган асримизнинг 90-йилларига нисбатан яна 2,3-2,5 баробар ошди.

Ҳар йили океанларга 12-15 миллион тоннага яқин

нефть ва нефть маҳсулотлари тўкилмоқда, шаҳарларнинг кенгайиши, саноат корхоналарини қуриш учун минг-минглаб гектар ер майдонлари ажратиб берилмоқда, ўрмонлар кесилиб, яшил ерлар камаймоқда. Бу тенденция, айниқса, ривожланаётган мамлакатларда хавfli тус олмоқда. Дунёда ҳар йили 0,8 фоизи тропик ўрмонлар йўқолиб бормоқда, 200 минг км<sup>2</sup> худуддаги тропик ўрмонлар кесилиб, қайта тикланмай қолмоқца. Ҳозирги пайтда йилига 8,3 миллион гектар ёки минутига 16 гектар ўрмон йўқотилмоқда. Табиий мувозанатнинг дунё миқёсида тез ўзгаришининг оқибати ҳозирнинг ўзидаёқ инсоннинг яшаши ва фаолияти учун ўта зарур бўлган мўътадил муҳитнинг бузилишига олиб келмоқда.

Давримизнинг яна салбий белгиларидан бири шундаки, инсон фаолияти кўламнинг миқёси тобора биосферани тўлиқ эгаллаб, эндиликда коинотга ҳам таъсир эта бошлади.

### ОЗИҚ-ОВҚАТ МУАММОСИ

Бугунги дунё аҳолиси 7 миллиардан ошди ва унинг сони ортиб бормоқда. Тез ўсиб бораётган дунё аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш муаммоси кейинги пайтларда жаҳоннинг бир қанча минтақаларида анча кескинлашди. Мавжуд маълумотларга

асосан, дунё халқларининг 2/3 қисми доим озиқ-овқат тақчиллиги ҳукм сураётган мамлакат халқлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу минтақаларда экиладиган ер майдонлари аҳоли жон бошига нисбатан камайиб, 0,2 гектарни ташкил этмоқда. Ҳолбуки, 1950 йилда бу кўрсаткич 0,5 гектарни ташкил этган эди.

Озиқ-овқат захираларининг ўсишини, бир томондан, ишланадиган ер майдонларини кенгайтириш ҳисобига, иккинчи томондан экилаётган майдонларнинг ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига таъминлаш мумкин. Кейинги пайтларда ҳосилдорликни кўпайтириш устида жуда кўп ишлар қилиниб, ўтган асрнинг 80-йиллари охирларига келиб дунё миқёсида етиштирилган маҳсулот ўсишининг 90 фоизи ҳосилдорликни кўтариш ҳисобига тўғри келди. Аммо, бизга маълумки, бундай муваффақиятларга табиатга ҳаддан зиёд қилинган қаттиқ зуғум натижасида эришилди. Жуда кўп ерлар бундай тазйиққа дош бера олмасдан ишдан чиқа бошлади. Бугунги кунда ана шу ерларни табиий ҳолатига қайтариш учун имконият қолмади.

Бундай тахликали ҳолатнинг сабабларини аҳолининг табиий ўсиши ниҳоятда тез суръатлар билан кўпайгани, уларнинг иш ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондиришга бўлган интилиши

Ўсиши билан боғлиқ масалаларни, айтиш мумкинки, муваффақиятли ҳал қилишга киришди. Кейинги пайтларда ҳукумат инсон соғлиғини муҳофаза қилиш, туғилган ҳар бир чақалоқ олдида ота ва она, қолаверса, жамиятнинг жавобгарлик ҳиссини ошириш борасида, шунингдек, фарзанднинг ота-она ва Ватан ҳамда халқи олдидаги бурчларини чуқур англашлари учун жуда катта маънавий рағбатлантирувчи тадбирлар ишлаб чиққанлиги ўта муҳим аҳамият касб этди. Шу мақсадда «Соғлом авлод» жамғармасининг тузилиши, «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши ҳам фикримизнинг далили бўлади.

Бугунги кунда аждодла-


римизнинг ўз Ватани, табиий муҳитга меҳр-муҳаббатли бўлиш каби муқаддас туйғулари авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтаётганлиги бежиз эмас. Зеро она-Ватанимиз Ер юзининг энг обод ва озод гўшалардан бирига айланиши шак-шабҳасиздир.

### МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА ЯНГИ АВЛОД ТАРБИЯСИ

Инсоният ўз йўли ва атрофини ёритиш учун чироқни ихтиро қилди. Қалбни ва руҳни ёритиш учун эса «Маънавият» аталмиш чироқни кашф этди. Бу чироқ нафақат инсон қалби, балки онг-у шуурини ҳам ёритиб туради, виждонини уйғотади, яшашдан мақсади ва ўзлигини англашга ёрдам беради. Маънавият

чироғи инсонни тарихни ўрганишга, ота-боболарининг кимлигини билишга ва уларга муносиб бўлишга, халқ ва Ватан тақдирини учун қайғуришга ундайди, келажак ҳақида ўйга толдиради. Президентимизнинг «Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси» асарида таъкидлангани каби «... инсоният дунёсининг ўзига хос бир ёритқичи – «маънавият чироғи» бор... Ўзбекистоннинг янги уйғониш даврини яратишга киришган эканмиз, ҳар бир юртдошимизнинг қалби ва онгида ана шундай маънавият чироғи ёниши ва у бизни эзгу амалларга ундаб, доимо масъулият туйғусини уйғотиб туриши зарур...»

Жамиятнинг келажаги ёрқин ва буюк бўлиши учун халқ маънавиятини



юксалтириш катта аҳамиятга эга эканлиги шубҳасиз. Бунинг учун маънавият соҳасида тараққиёт тамойилларига асос бўладиган таянч шарт-шароитлар бўлиши, уларни яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда маънавиятни юксалтириш учун тегишли

моддий-техник база яратилди ва бу жабҳага эътибор кучайди.

Бу жиҳатдан, Ватанимиз тарихида туб бурилиш ясалаётган

ҳозирги даврда ҳар бир юртдошимиз юрагида ана шундай маънавият чироғи порлаб туришига эришиш ниҳоятда муҳим. Айти пайтда у ҳаммамизни эзгу ниятлар ва амалларга ундаб, қалбимизда эл-юрт ва халқ тақдири учун масъулият ҳиссини мустаҳкамлаши учун ҳаракат қилиш лозимлиги давр талабига айланди.

Бутун жаҳон миқёсида қабул қилинган кўплаб ҳужжатларда ушбу соҳага алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу жиҳатдан, мавзуимиз йўналишида БМТ томонидан "Глобал ахлоқ тўғрисида Декларация" қабул қилингани бежиз бўлмаган. Мазкур декларацияга немис олими Ганс Кюннинг қарашлари асос

бўлган. Ҳозирги давргача ЮНЕСКОнинг фан ва техниканинг ахлоқий муаммолари бўйича Комиссияси шафелигида жаҳон олимлари томонидан ишлаб чиқилган "Космосни ўрганиш ахлоқ Кодекси", "Биоэтиканинг умумий нормалари тўғрисида Декларация", "Олимлар ахлоқ Кодекси", "Атроф-муҳит

мизнинг азалий қадриятлари, серқирра маданияти ҳамда миллий маънавиятини тиклаш ва ривожлантириш масалалари давлат сиёсатининг энг муҳим, устувор йўналишларидан бирига айланди.

Жаҳон тарихи шундан далолат берадики, инсоният ривожланишининг ҳар бир янги босқичида жа-



миятнинг маънавий соҳасига доир тараққиёт тамойилларининг янги-янги қирралари очилаверган. Мавзунинг айтишу жиҳати "Авесто" замонларидан

ахлоқ Кодекси" каби ҳужжатлар қабул қилинган. Улар кўплаб ривожланган мамлакатлар учун маънавий ривожланиш истиқболлари ва тамойиллари белгилаб берилган муҳим халқаро ҳужжатлар бўлиб ҳисобланади.

Бу эса, ўз навбатида, дунё мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистоннинг бугунги янги даврдаги маънавий тараққиёти ва истиқболлини белгилайдиган ҳуқуқий асослар ва фаолият дастурларини яратиш ҳамда уларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кейинги йиллардаги ислохотлар жараёнида мамлакатимизда жамият тараққиётининг бошқа соҳалари қатори, халқи-

дан бугунги кунларгача, машҳур алломалар, ҳозирги замон олимлари ва кўплаб мутахассисларни ўзига жалб қилиб келмоқда.

Жамиятнинг маънавий ҳаёти ўз навбатида, уларнинг ҳар бири учун умумий таянч тушунча сифатида намоён бўлади ва ушбу соҳалардаги жараёнларнинг мазмун-моҳиятига таъсир кўрсатади. Бу жиҳатдан, "Маънавий тараққиёт" тушунчасида барча маънавий қадриятлар, бурч ва масъулият, инсоф, адолат, меҳр-оқибат, виждон, ҳалоллик ва поклик, мардлик ва матонат ҳақидаги қарашлар, шу асосда шаклланган инсоний фазилатлар ҳамда ижтимоий жиҳатлар ўз аксини топади. Бу жиҳатдан,

маънавият инсонга хос эзгу хусусият ва фазилатлар мажмуаси бўлиши билан бирга, бизнингча, ҳар бир жамиятнинг ажралмас таркибий қисми, маънавий қадриятлар мажмуидир.

Ушбу масалага нисбатан бундай қаралса, ҳар қандай жамият, жумладан, Ўзбекистон маънавий тараққиёт тамойиллари маданият, маърифат, дин ва бошқалар ҳам бу соҳадаги жараёнлар билан узвий боғлиқ эканлиги маълум бўлади. Бу қоидага кўра, у ёки бу ҳудудда ижтимоий мезонлар ўзгариши мумкин, бироқ маънавий тараққиёт тамойилларининг маърифий, маданий, диний соҳалардаги узлуксизлигини таъминлаб турувчи анъанаси ўз аҳамиятини сақлаб қолаверади.

Жамиятнинг маънавий ривожланиш стратегиясида муайян давр ва жамиятга хос белгилар, давлат сиёсати билан боғлиқ хилма-хил хусусиятлар ва инсон камолоти билан боғлиқ турлича намоён бўладиган ижтимоий-фалсафий, маданий-маърифий жиҳатлар, аҳоли, айниқса, ёшларнинг руҳияти ва кайфияти ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Бундай белгилар ва ўзига хос жиҳатлар ушбу масалаларга доир тушунчаларнинг турли хусусиятларига таъсир кўрсатадиган фалсафий тамойиллар учун умумий мезон ва таянч омиллар бўлиб ҳисобланади.

Бу нуқтаи назардан,

ҳозирги жадал ривожланиш даврида иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар билан бир қаторда маънавий-маърифий соҳада олиб борилаётган ислохотлар ҳам ҳал қилувчи аҳамият эга. Аммо барча соҳаларда бўлганидек, маънавий-маърифий ишларда ҳам ечимини кутиб турган масалалар йўқ эмас. Мисол учун, улкан ўзгаришлар, янги жамиятнинг назарий асосини белгилаб берадиган миллий ғояни шакллантириш биринчи галдаги масала ҳисобланади. Чунки, жаҳон тарихидан ҳам маълумки, қайсики халқ ёки миллат бир мақсад, ягона ғоя атрофида бирлашса, ўша давлат тараққиётда эришган. Лекин орамизда ҳамон маънавиятнинг моҳиятини тушунмаган, унинг керак ёки керакмаслигини биллолмай, миллий ғоя ҳақида мутлақо тушунчаси йўқ инсонлар ҳам бор.

Бугунги кунда маънавият соҳасидаги ўзгаришларнинг жамиятимиз аъзоларига кўрсатадиган таъсири, янгиланишларни амалга оширишдаги аҳамияти ортиб бораётганига гувоҳ бўляпмиз.

Маданият ва маънавият соҳасида фаолият юритувчи ходимлар меҳнатини муносиб қадрлаш чоралари кўриляпти. Шуни унутмаслик керакки, амалга ошириладиган ислохотларда юксак натижаларга эришиш, соҳанинг мақсад-моҳиятини белги-

лайдиган тизимли тадбирларни амалга оширишга боғлиқ. Бу тадбирлар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

**Биринчидан**, Ўзбекистон Республикаси Президенти Республика Маънавият кенгаши раиси ҳисобланади. Собиқ Маънавият ва маърифат маркази Республика маънавият кенгаши сифатида қайта ташкил этилди ва унинг мақсад-вазифалари, фаолият мезонлари белгилаб олинди. Маънавият соҳасидаги ишларнинг самарадорлигини кўтариш, ёшларнинг билим ва дунёқарашини бойитиш, жамият аъзоларида соғлом мафкуравий иммунитетни тарбиялаш бўйича олиб бориладиган ишлар дастури қабул қилинди ва амалиётга татбиқ этилмоқда.

Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросида жамиятдаги янгилеклар, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг мазмун-моҳияти, қабул қилинаётган қонунлар, қарорлар, давлат дастурларининг аҳамияти, долзарблиги ҳақида тушунча ҳосил қилишда тарғибот-ташвиқот ишларининг ўрни бўлакча. Шу боис тарғибот ишларини янада кучайтириш кўзда тутилади.

**Иккинчидан**, маънавий-маърифий ислохотларни бутун мамлакат миқёсида амалга ошириш, аҳолининг барча қатлами ни қамраб олишига эришиш ва бунда янги усул

ва воситалардан фойдаланиш, бу соҳада фаолият юритадиган ташкилотлар ишини мувофиқлаштириш ва самарадорлигини таъминлашга доир чоралар тизими ишлаб чиқилди.

**Учинчидан,** жамият ривожини, давлат тараққиёти учун тўсиқ бўладиган айрим иллатлар – маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, порахўрлик ва энг ачинарлиси, юрт тақдирига, миллат маънавиятига бепарқлик кабиларга қарши тура оладиган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Худди шундай амалий тадбирлардан бири “Маърифат” тарғиботчилар жамиятининг тузилганидир. Жамият аъзолари етакчи мутахассислар, олимлар ва

ижодкорлардан иборат бўлиб, улар тизимли равишда фаолият юритади.

**Тўртинчидан,** Маънавият ва маърифат маркази ҳузурида Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти ташкил этилди. Ушбу илмий-тадқиқот институтида “Маънавият тарихи ва назарияси”, “Маънавий тарбия”, “Маънавий жараёнлар ва технологиялар” каби йўналишларда излаш олиб бораётган бўлажак фан докторлари учун ихтисослашган кенгаш тузилиб, диссертациялар ҳимояси йўлга қўйилди.

Маънавий-маърифий тарғибот ишлари самарадорлигини илмий асослаш, соҳага доир ижтимоий сўровнома ва тадқиқотлар ўтказиш, олинган нати-

жалар асосида амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш жараёни такомиллаштирилмоқда.

**Бешинчидан,** кейинги ўқув йилидан бошлаб мамлакатимиздаги барча давлат ва нодавлат олий таълим ўқув режасига бакалаврият босқичида “Маънавиятшунослик”, магистратурада “Касбий маънавият” фанлари киритилади, “PR-менежер” мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрланадиган бўлди.

Бу борадаги ўзгаришлар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Иқтисодий ва молия вазирлиги, Тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агент-



лиги ҳамкорлигида амалга оширилиб, "Маънавият тарихи ва назарияси", "Маънавий тарбия", "Маънавий жараёнлар ва технологиялар" каби фанлар илм-фан ихтисосликлари қаторига киритилди.

**Олтинчидан**, соҳага доир янгиликларни оммага тезкор етказиш, маънавий-маърифий, ижтимоий-ҳуқуқий мавзудаги мақолалар, жамиятнинг илғор вакиллари томонидан ўртага ташланган таклиф, ташаббус ва ғоялар, мутахассисларнинг мафкуравий жараёнлар юзасидан таҳлилларини тўплаш ва тарқатиш мақсадида "Oyina.uz" портали ишга туширилди.

Мамалакатимиз аҳолисининг интеллектуал салоҳияти ва дунёқарашини юксалтириш, жамиятда мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ҳамда ёш авлодда ватанпарварлик туйғусини тарбиялашда оммавий ахборот воситалари билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилди. Жумладан, "Маданият ва маърифат" телеканали ҳамда Халқаро пресс-клубда маърифий мавзудаги чиқишлар, ток-шоулар, ижтимоий ролик ва бошқалар тайёрланмоқда.

**Еттинчидан**, барча умумтаълим муассасаларида ёшлар билан маънавий-маърифий соҳада шуғулланадиган ижодий-маданий маса-

лалар бўйича тарғиботчи лавозими ташкил қилинди. Уларнинг ойлик маоши давлат бюджетидан олий маълумотли ўқитувчига тенг ставкада тўлаб берилади.

Бундай ўзгариш давлат олий таълим муассасаларига ҳам тегишли бўлиб, уларда талабалар сонидан қатъи назар, ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор лавозими жорий қилинди.

**Саккизинчидан**, жамиятда барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни яратиш, оилалар, маҳаллаларда тотувлик, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни маънавий-маърифий тадбирларга фаол жалб қилиш мақсадида шаҳар ва туманларда Маънавият ва маърифат масканлари фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Республика бўйича барча давлат органларининг раҳбарлари ўз ҳудуди ва қўл остидаги ташкилотнинг маънавият кенгаши раиси сифатида тасдиқланиб, улар ўз фаолиятини қилинадиган ишлар бўйича чора-тадбирлар дастурлари ҳамда "Йўл харитаси"га асосан давом эттиради.

**Тўққизинчидан**, ҳамма соҳада бўлганидек, маънавият соҳасида ҳам бир-бирига зид тушунчалар, қарама-қаршилиқлар мавжуд ва бу табиий ҳолат. Жамият маънавияти фақат яхшиликлар, ижобий янгиликлардан иборат эмас, яъни

унда ҳам салбий томонлар, зиддиятли масалалар мавжуд бўлади.

Ана шундай тушунчаларни қамраб олиш ва таърифлаш мақсадида "Маънавият" луғати чоп этилди. Маънавий-маърифий ишларни тубдан яхшилаш борасида амалга оширилмайдиган ишлар қаторида бу луғат ҳам халқимизни маънавиятнинг мазмун-моҳияти, унга хос жиҳатлар ва тушунчалардан хабардор қилишга хизмат қилади.

**Ўнинчидан**, соҳанинг илмий асосларини яратиш, миллий ғоя тарғиботи бўйича ишлар самардорлигини ошириш мақсадида, маънавий-маърифий йўналишдаги илмий-тадқиқотларларга давлат буюртмасини бериш, инновацион, фундаментал лойиҳаларни мақсадли молиялаштириш тартиби ишлаб чиқилди.

Маънавий-маърифий ишлардаги фаоллик, ҳудуддаги ижтимоий-маънавий муҳитнинг соғломлигига ҳисса қўшганлиги, шахсий ташаббус ва ибрати учун соҳа ходимларига топшириладиган "Маънавият фидойиси" кўкрак нишонига таъсис этилди.

Айтилганлардан хулоса қилинса, давлат ва жамиятимизда соғлом маънавий муҳитни яратиш ва таъраққий эттириш, шунингдек, соҳага доир муаммо ва камчиликларни бартараф этиш борасида изчил фаолият амалга оширилмоқда.

Маънавий баркамол авлодни вояга етказиш ва халқ маънавиятини янада юксалтиришга хизмат қиладиган янги-янги вазифаларни қамраб олган дастурлар ишлаб чиқилмоқда. "Олдимишга қўйилган улуғвор мақсад, Учинчи Ренессанс пойдеворини қўйиш, фарзандларимиз орасидан янги Улуғбек, Ибн Синолар, Хоразмийлар, Навоий, Бобурларни етиштириш учун шарт-шароитларни яратиш бериш

синдириб боришимиз зарур. Шундагина жамиятда мафкуравий иммунитет, соғлом дунёқараш ҳукм суради.

Баъзи ноҳолис нашрлари, асосан ижтимоий тармоқлар орқали ғаразли мақсадларда тарқатилган бузғунчи ғояларга йўғрилган материаллар, маънавиятимизга зид ахлоқий унсурлар, турли мавзу ва шаклдаги ахборотларга қарши тура олишда бу ҳал қилувчи

лига сабаб бўлган маънавий инқирознинг аянчли оқибатларига мисоллар кўп.

Ҳоясизлик, тарқоқлик, маънавий қадриятларнинг топталиши давлатнинг кучсизланишига, жамиятда турли иллатларнинг авж олишига замин яратади.

Шундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида маънавият соҳасидаги янгиланишлар жараёнининг мазмун-моҳияти, ўзига хос хусусиятларини аниқ далиллар асосида ўрганиш, ижтимоий ҳаётнинг бошқа жабҳаларида юз берадиган ислохотларнинг маданий-маърифий моҳиятини англаш муҳим.

Мамлакатимиз мустақиллигининг олдинги ўн йилликларида ривожланиш концепциялари, давлат дастурларида иқтисодиёт, ижтимоий соҳалар ички ва ташқи сиёсат масалаларига устувор аҳамият қаратилган. Лекин маънавий-маърифий соҳалар, улардаги ўзгариш ва янгиланишлар, муаммолар назардан четда қолган. Бу ҳолат бир қатор салбий оқибатларни келтириб чиқаради.

Аввало, маънавият соҳасидаги серқирра жараёнларнинг ёритилмаслиги бу йўналишда давлат сиёсатининг тугал қиёфасини акс эттириш, қилинадиган ишларни дастурлаш ва режалаштириш имкониятини камайтирган.

Оқибатда муайян дастурни, функцияни бажари-

“Маънавий баркамол авлодни вояга етказиш ва халқ маънавиятини янада юксалтиришга хизмат қиладиган янги-янги вазифаларни қамраб олган дастурлар ишлаб чиқилмоқда. “Олдимишга қўйилган улуғвор мақсад, Учинчи Ренессанс пойдеворини қўйиш, фарзандларимиз орасидан янги Улуғбек, Ибн Синолар, Хоразмийлар, Навоий, Бобурларни етиштириш учун шарт-шароитларни яратиш бериш лозимлиги шубҳасиз.

лозимлиги шубҳасиз. Бу айниқса бугунги Тараққиёт стратегиясини амалга ошириш нуқтаи назаридан муҳим”.

Шуни ёдда тутиш керакки, маънавий тараққиётимиз ва миллий ғоянинг асосий таянчлари баркамол авлодни тарбиялаш, илм-фанни юксалтириш, жамиятда соғлом дунёқараш ва турмуш тарзини шакллантиришдир. Бу вазифани амалга ошириш учун фарзандларимизга жуда кичиклигидан Ватанга ва оилага садоқат, масъулият, кенг фикрлаш, билимга чанқоқлик каби инсоний фазилатларни

аҳамият касб этади. Шундай экан, аҳолимизнинг ҳудудий, касбий ҳамда ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларини мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чорасини кўриш керак.

Аҳолининг катта қисмини қамраб оладиган оммавий ахборот воситалари маънавий-маърифий тарғибот ишида катта таъсир кучига эга. Биз ана шу катта кучдан мақсадга мувофиқ фойдалана олишимиз керак.

Инсоният тарихида буюк салтанатлар таназзу-

ши керак бўлган раҳбарларда масъулиятсизлик, бир томонлама тизимга ўрганиб қолиш юзага келган. Қолаверса, соҳага доир қонун ижодкорлигининг оқсаши, ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёрланмаслиги каби ҳолатлар юзага келиб қолган.


Бугунга келиб маънавий соҳадаги жараёнларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, бунда Янги Ўзбекистоннинг маънавий эҳтиёжларини кўзда тутиш зарурати пайдо бўлди. Шу заруратдан келиб чиқиб, ватанимизнинг яқин келажак учун мўлжалланган тамойил дастурларида маънавий-маърифий соҳалардаги ислоҳотлар учун алоҳида бўлим ажратилиши мақсадга мувофиқ бўлди. Шундан келиб чиқиб, ҳукумат томонидан "Ўзбекистон Республикасининг маънавият соҳасидаги давлат сиёсати тўғрисида"ги қонунни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш жараёнини тезлаштириш зарур.

Бу қонун Янги Ўзбекистонни барпо этишда давлат сиёсатининг маънавият борасидаги фаолиятини кенгайтириш, янгиланишлар, интилиш ва ҳаракатларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайди, жамият маънавий ҳаёти ва ундаги ўзгаришларни тасаввур қилиш имконини беради.

Шунингдек, келажак тамойилларимизнинг барча соҳаларида ўтказиладиган

ислоҳотлар натижасини, у билан боғлиқ ҳуқуқий масалаларни таҳлил қилиш вазифасини амалга оширишда ҳам ушбу қонун ўз ўрнига эга.

Шу билан бирга, маънавий-маърифий соҳада кейинги иш фаолиятимизнинг салмоғи, аҳамияти ва йўналишлари, натижалар самарадорлигини ошириш зарурати тезлик билан "Ўзбекистоннинг 2025-2035 йилларга мўлжалланган маънавий тараққиёт стратегияси"ни ишлаб чиқишни ва давлат сиёсатининг бир қисмига айлантириш вазифасини кун



тартиби-га қўяди.

Стратегия ишлаб чиқилса, шу асосда давлат органлари, нодавлат ташкилотлар, фуқаролик институтлари ва бошқалар ўз "Йўл харита"лари ҳамда келажакка мўлжалланган режалар ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Қайд этилган вазифалар, ўз навбатида, келгусида мамлакатимизнинг маънавий-маърифий ҳаёти, турмуш тарзини ифодаладиган ҳужжатлар мажмуи – "Ўзбекистон жамиятининг

маънавият кодекси"ни ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу вазифани тез фурсатда амалга ошириб, амалий ҳаётга татбиқ этиш ҳаётий зарурият ҳисобланади.

Юқорида айтилган меъёрий ҳужжатлар ва дастурларнинг самарадорлиги, уларнинг халқимиз орзу-интилишларига мослиги, уни таъминлашга масъул бўлган раҳбарлар ва бошқарув ходимларининг ўз мажбуриятларини сидқидилдан бажаришларига ҳам боғлиқдир. Чунки инсонларнинг шаклланиб улгурган тафаккур тарзи ва қарашлари бир кунда ўзгариб қолмайди, маънавий-ахлоқий тушунчаларни ўзлаштириш ва ўзгартириш мураккаб жараён ҳисобланади. Ҳозирги даврнинг талабчан ижтимоий-сиёсий эҳтиёжларига жавоб бера оладиган янги-ча дунёқараш ва тафаккур тарзининг жамият ҳаётидан чуқур жой олиши учун соҳага доир фаолиятни тобора такомиллаштириш, миқёсини ошириш лозим.

Бу жараёнда мазкур соҳадаги ислоҳотларнинг самарадорлигини таъминлаш, жамият ҳаётидаги маънавий-маърифий янгиланишлар ва ўзгаришлар уйғунлигига эришиш мазкур тамойилларни самарали жорий этиш билан боғлиқ асосий вазифа бўлиб қолмоқда.

Маълумки, ушбу соҳадаги ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад – мамлакатимизни эркин

фуқаролик жамиятига, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устивор бўлган ижтимоий давлатга айлантиришдан иборатдир. Ана шундай эзгу мақсадгина жамият-ни юксак маънавиятли, маърифий ривожланган янги ижтимоий маконга айланишига ёрдам бериши шубҳасиз

Янги Ўзбекистон ва жамиятимизнинг янги қиёфасини яратишга астойдил ҳаракат қилинаётган ҳозирги глобаллашув даврида, мамлакат тараққиётини таъминлашга таъсир кўрсатадиган ижтимоий-маънавий мезонларни шакллантириш эҳтиёжи тобора ортиб бормоқда.

Бу жиҳатдан, алоҳида эътиборли жиҳат шундаки, бугунги кунда "Янги Ўзбекистон – Учинчи Ренессанс сари" ғоясини амалга оширишда ушбу мезонлар таъсирини янада ошириш вазифалари ушбу соҳадаги фаолиятнинг устувор мақсадга айланганининг асосий сабабидир.

Бу борада белгилаб олинган тараққиёт стратегиясини амалиётга жорий этилиши мамлакатимизда маънавий баркамол ёшларни тарбиялаш учун зарур бўлган янги тамоийллари тизими шаклланиши ва мазкур йўналишдаги инновациялар самарасини янада ошириши шубҳасиз.

Сифатли таълим ва ёшлар камолоти. Бугунги глобаллашиб бораётган дунёнинг барқарор ва тинч яшаётган халқнинг

мустаҳкам такомил топишига раҳна соладиган, унинг маданиятига, миллий қадриятларига маданий тарбия тизимига салбий таъсир кўрсатадиган таҳдидларнинг кўпайиб бораётганлиги ҳар биримизни юрагимизда ҳадикни уйғотмоқда. Нега деганда, юртимиздаги мавжуд узлуксиз таълим тизими аҳолининг бешдан бир қисмини қамраган, холос. Мазкур тизимни қамраб олган ёшлардан ташқари аҳолининг жуда катта қисми орасида таълим ва тарбия соҳасини тизимли йўлга қўйишни, бунда миллий қадриятларга содиқликка эришиш зарурати бугунги куннинг талабига айланди.

Айнан шу жиҳатдан таълим-тарбия бир томондан, юксак маданиятли жамиятни барпо этишда асосий негизи, иккинчидан эса, баркамол авлодни шакллантиришнинг маърифий воситаси бўлиб ҳисобланади. Бу соҳада юртимизда баркамол авлодни шакллантириш, ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларни амалга оширилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Янги Ўзбекистон стратегиясида бу борадаги амалга оширилиши зарур бўлган фаолият йўналишлари аниқ-тиниқ белгилаб берилган.

Мазкур дастурда келгу-

си 7 йиллик муддат ичида, яъни 2030 йилгача эришилиши кўзда тутилган мақсадлар бешта йўналишга бўлинган. Бу йўналишда боғчаларга бўлган эҳтиёж 2030 йилгача 100 фоизга қондирилади. Мактаб етишмовчилиги муаммоси эса 7 йил давомида ҳар йили 500 мингтадан ўқувчи ўрни, жами 2,5 миллионга қўшимча ўрин яратиш орқали ҳал қилиниши кўзда тутилган. Ўзбекистондаги боғча ва мактабларнинг ҳаммаси филтрланган ичимлик суви билан таъминланиши ваъда қилинди. Кейинги 7 йилда ҳар битта боғчада компьютер синфи, ҳар битта мактабда эса бошланғич синф ўқувчиларининг ҳаммасига етадиган таълим планшетлари бўлади. Информатика фанини ўқитиш 1-синфдан бошланади. Барча мактабларга хориждан чет тили ўқитувчилари таклиф этилади. Чекка ҳудудларда бепул мактаб автобуслари қатнай бошлайди.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда сифатли таълимни амалга ошириш ва маърифатли авлодни тарбиялаш имкониятларини янада кенгайтиради.

Аммо Президент асарлари ҳамда мазкур йўналишдаги қарор ва фармонларда ушбу соҳадаги ишлар таҳлили билан бирга, қуйидаги муаммолар сақланиб қолаётганлигига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, **биринчидан**, ёш авлод онгига Ватанга

содиқлик ва унинг тақдири учун дахлдорлик ҳиссини сингдиришга, уларда ёт ғоя ва қарашларнинг салбий таъсирига нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар етарли даражада самара бермаяпти;

**иккинчидан**, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни мустақамлаш, шунингдек, экстремизм, терроризм ва бошқа бузғунчи ғояларга нисбатан муросасизликни шакллантириш юзасидан давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг фаолияти ҳамон талаб даражасида эмас;

**учинчидан**, ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун зарур бўлган маданий-кўнгилочар объектлар, мактабдан ташқари таълим муассасалари, шу жумладан, жойларда турли ижодий ва таълим тўғра-

клари, спорт сексияларининг етишмаслиги болаларнинг соғлом руҳда тарбияланишига ва тўғри ҳаёт йўлини танлашига салбий таъсир кўрсатмоқда;


**тўртинчидан**, ўқитувчи ва мураббийларнинг ижтимоий мавқеи ва нуфузи пасайиб кетганлиги, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тизими бугунги кун талабига мутлақо жавоб бермаслиги ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ҳамда мустақил дунёқарашини шакллантириш борасида жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда;

**бешинчидан**, ёшларнинг олий таълим муассасаларига қамраб олиниш даражаси пастлиги, етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик етарлича йўлга қўйилмаганлиги малакали кадрларнинг етишмаслигига ва олиб борилаётган ислохотлардан кўзланган мақсадга тўлиқ эришилмаслигига сабаб бўлмоқда;

**олтинчидан**, буларнинг барчаси эса ўз навбатида, бир томондан, ёшларни амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнларига фаол жалб этиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, иккинчидан эса, уларнинг маънавий-маърифий ва интеллектуал даражасини юксалтириш, маданий савиясини ошириш, миллий қадриятларга содиқлигини янги босқичга олиб чиқиш борасидаги фаолиятни изчил давом эттиришни талаб қилади.

дан, соҳада қонун бузилиши ҳолатларининг сақланиб қолаётганлиги, шу жумладан, ёшларни қўллаб-қувватлашга ажра тилаётган маблағларнинг мақсадли сарфланишида назоратнинг етарли даражада эмаслиги тизимли муаммоларни юзага чиқармоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Янги Ўзбекистон ва жамиятимизнинг янги қиёфасини яратишга астойдил ҳаракат қилинаётган ҳозирги глобаллашув даврида, мамлакат тараққиётини таъминлашда асосий таянч ва суянч бўладиган ёшларни вояга етказишга таъсир кўрсатадиган ижтимоий-маънавий мезонларни шакллантириш эҳтиёжи торабора ортиб бормоқда. Бу борада алоҳида эътиборни жиҳат шундаки, бугунги кунда "Янги Ўзбекистон"



учинчи Ренессанс сари”  
Ғоясини амалга оширишга  
қодир ва замонавий тафак-  
курга эга бўлган ёшларни  
тарбиялашда ушбу ме-  
зонлар таъсирини янада  
ошириш вазифалари ушбу  
соҳадаги фаолиятнинг асо-  
сий мақсадига айлангани-  
нинг асосий сабабларидан  
биридир.

Бу борадаги вазифа-  
ларни амалга оширишда  
маънавият ва маърифат  
соҳасининг ёшлар тарбия-  
си жараёнига таъсирчан-  
лигини янада оширишга  
доир ишларнинг оммавий-  
лиги ва очиклигига эри-  
шиш ҳамда бу жараёнда  
тизимлилик, илмийлик ва  
изчилликни таъминлашга  
алоҳида эътибор қара-  
тиш зарур. Айни пайтда  
ёшларнинг маънавий  
баркамоллигига эришишда  
тенг ва ўзаро манфаатли  
муносабатларни таъмин-  
лаш, эркин тафаккур тарзи,  
инсон ҳуқуқлари, миллий  
ва умумбашарий қадрият-  
ларни ҳурмат қилиш ва  
қарашлар хилма-хиллиги-  
ни ривожлантириш, ёшлар  
руҳияти ва камолотига  
салбий таъсир кўрсатувчи  
ғоя ва қарашларга муроса-  
сиз кайфиятни тарбиялаш  
имкониятларини излаб  
топиш ҳам бу борадаги  
долзарб вазифалар сира-  
сига киради.

Ёшлардаги шижоат ва  
жўшқинликни, ақл-заковат  
ва эзгу ниятларга уйғун-  
лаштириб, аниқ мақсад-  
ларни рўёбга чиқаришга  
йўналтириш зарурлигидан  
далолат беради. Бу бора-

даги амалиёт ёшларлар-  
нинг ижтимоий фаолли-  
гини ошириш, маънавий  
ва маърифий баркамол-  
лигини таъминлаш, ушбу  
йўналишнинг иқтисодий,  
сиёсий ва ҳуқуқий асосла-  
рини янада мустаҳкамлаш  
ниҳоятда муҳим. Мамлака-  
тимизда сўнгги йилларда  
ёшларга доир давлат сиё-  
сатининг ҳуқуқий асосла-  
рини мустаҳкамлашга қа-  
ратилган муҳим қарор ва  
қонунлар қабул қилингани,  
70 дан ортиқ ҳуқуқий-меъ-  
ёрий ҳужжатларга ўзгар-  
тиришлар киритилгани,  
айниқса, мамлакатимиз  
ёшларини бирлаштиради-  
ган ташкилот – Ёшлар сиё-  
сати ва спорт вазирлиги  
ҳузуридаги Ёшлар ишлари  
агентлиги ташкил этилиб,  
ҳозирда 8 миллионга яқин  
ўғил-қизлар бир мақсад,  
бир ташаббус атрофида  
жамлангани бунинг яққол  
исботидир.

Ҳозирги кунда ҳаётнинг  
барча соҳа ва тармоқлари-  
да ёшларга имкониятлар  
эшиги кенг очиб берил-  
моқда. Бунинг натижаси-  
да юртимизда кун сайин  
замонавий ишлаб чиқа-  
риш корхоналари барпо  
этилиб, уларга билимли  
ва ғайратли ёшлар жалб  
қилинмоқда. Хорижий  
инвестицияларни олиб  
кириш, маҳсулот экспорти  
ҳамда янги иш ўринларини  
яратиш борасида уларга  
алоҳида эътибор қаратил-  
моқда. Бу борада ёшлар-  
нинг умидбахш ютуқлари  
ва дастлабки тажрибала-  
рини оммага кенг тарғиб

қилиш, уларни қўллаб-қув-  
ватлаш ва танитиш алоҳи-  
да аҳамият касб этаётгани  
тадқиқотимиз жараёни-  
да тасдиқланган ҳаётий  
ҳақиқатлардан бири, десак  
муболаға бўлмайди.

Ҳозирги кунда жаҳон  
тараққиётининг устувор  
хусусиятларига айлана-  
ётган глобаллашув жа-  
раёнлари, кенг миқёсли  
интеграция, фан-техника  
ҳамда ахборот технологи-  
яларининг ривожланиши  
ҳам соҳага жиддий таъ-  
сир кўрсатмоқда. Бундай  
шароитда миллий ўзлик-  
ни сақлаш, халқимизнинг  
азалий қадриятларини  
асраб-авайлаш ва келажак  
авлодга бекам-кўст етка-  
зиш, миқёси ҳар йили икки  
марта кўпайиб бораётган  
сон-саноксиз ахборотлар  
дунёсида адашиб қолмас-  
лик, бу борада ҳам “оқ ва  
қора”ни ажрата олиш кў-  
никмасини шакллантириш  
ниҳоятда долзарб аҳамият  
касб этмоқда.

Айни пайтда ёш ав-  
лодни юксак маънавий  
қадриятлар асосида тар-  
биялаш, ҳуқуқий ва сиёсий  
маданиятини ошириш,  
“оммавий маданият” ва ёт  
ғоялар таъсиридан асраш,  
уларда соғлом турмуш тар-  
зини шакллантириш усту-  
вор вазифалардан бири  
бўлиб ҳисобланади.

Умумбашарий муаммо-  
ларнинг ечимлари ва маъ-  
навий юксалишни ёшлар  
камолотининг муҳим  
омилига айлантириш эҳти-  
ёжлари ҳам барчамиздан  
шуни талаб қилмоқда.

# МУНДАРИЖА

1. **Оқил САЛИМОВ**  
*Истеъдодлар — давлат қудрати,  
миллат шон-шухрати*
6. **Ҳамид ОЛИМЖОН**  
*Ўзбекистон*
8. **Мирзо Улуғбек ворислари**
12. **Шухрат СИРОЖИДДИНОВ**  
*Шиддатли ислоҳотлар*
17. **Садриддин ТУРОБЖОНОВ**  
*Техника ва тараққиёт уйғунлиги етук  
кадрларга боғлиқ*
24. **Отабек ҲАСАНОВ**  
*«Миллатни уйғотиш —  
уйғонганларнинг вазифаси»*
30. **Дадажон САЙФУРОВ**  
*«Data science» — маълумотлар илми  
мутахассиси*
34. **Хуршид ДЎСТМУҲАММАД**  
*Ахборот (маданияти) асри ва шахс тақдири*
40. **Алишер САЪДУЛЛАЕВ**  
*Ёшлар – Янги Ўзбекистон бунёдкорлари*
48. **Қиём НАЗАРОВ**  
*Умумбашарий муаммолар, маънавий  
тараққиёт ва баркамол авлод тарбияси*
68. **Билим ва салоҳият танлови**
74. **Икки элнинг азиз фарзанди**
78. **Шойим БЎТАЕВ**  
*Рақамли технологиялар генетик салоҳиятни  
юзага чиқарувчи замонавий қулай  
имкониятнинг сирли тилсимидир*
86. **Баҳодир КАРИМ**  
*Беҳбудий ва ёшлар*
92. **«Ақл жанги»да янги сардор**
96. **Нодар ДУМБАДЗЕ**  
*Ҳелладос*



## Муассис:

Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш  
«Улуғбек» жамғармаси ва  
«Taraqiyot vorislari» МЧЖ

## Таҳрир ҳайъати раиси:

Оқил САЛИМОВ,  
(таҳрир ҳайъати раиси)  
Республика Истеъдодли  
ёшларни қўллаб-қувватлаш  
«Улуғбек» жамғармаси раиси, академик

Конгратбой ШАРИПОВ  
Шерзод ШЕРМАТОВ  
Сирожиддин САИДОВ  
Отабек ҲАСАНОВ  
Одил АБДУРАҲМОНОВ  
Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ  
Алишер САЪДУЛЛАЕВ  
Мансур БЕКМУРОДОВ  
Шухрат СИРОЖИДДИНОВ  
Садриддин ТУРОБЖОНОВ  
Нарзулла ЖЎРАЕВ  
Қиём НАЗАРОВ

«Тараққиёт» ~~журнали~~  
илмий-амалий,  
маънавий-маърифий журнал

## Бош муҳаррир:

Шахло ҲОШИМОВА

## Манзил:

100047, Ташкент шаҳри,  
Мовароуннахр кўчаси, 24-уй.  
e-mail: mufond@mail.ru, mufond@exat.uz  
Тел.: 71-209-97-67

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги  
Ахборот ва оммавий коммуникациялар  
агентлигидан 17.05.2024 йилда  
№278130-рақам билан рўйхатдан ўтган.  
Бир йилда тўрт марта чоп этилади.  
Журналдан кўчириб босилганда манба  
қайд этилиши шарт.  
Босишга 20.05.2024 йилда рухсат  
берилди. Бичими 60x84 1/8.  
Офсет усулда босилди.  
Босма табоғи 11,0.  
Буюртма №16. Адади 1000 нусха.  
Журнал «ATLAS PRINT MEDIA» МЧЖ  
босмахонасида чоп этилди.  
ISSN-3030-394X  
Босмахона манзили:  
Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани,  
Ипак берк кўчаси, 35-уй.